

ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ТАСАВВУФ ИЛМИДАГИ ЎРНИ

Лутфилло Караматиллоевич Ахатов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Шерали Юнусович Турсунов

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

АННОТАЦИЯ

Фалсафий-ирфоний қарашларнинг шаклланиш босқичлари ҳақида сўз боради. Тасаввуф ва ирфон илмининг моҳияти таҳлил қилинган. Мовароуннаҳр заминидан чиққан сўфийлар ва уларнинг илмий мерослари ёритилган.

Калит сўзлар: Тасаввуф, Ирфон, сўфий, фалсафа, Марказий Осиё, Мовароуннаҳр, Ўзбекистон, аллома, илмий мерос.

КИРИШ

Маълумки, VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр Араб халифалиги кириб келганидан сўнг, янгича дунёқараш, янгича ижод намуналари шаклланди. Секин аста жамият бошқаруви ва ижод йўналишидаги (амалий муомаладаги Л.Ахатов) тил бу форсий-араб ёзувида тил амалга оширилди. Ўрта асрларга келиб, Шарқ минтақа халқлари ижоди бир мунжа дунё юзисни кўра бошлади. Бу ўзгаришлар, Шарқона маданиятнинг янги босқичга чиқишлиги, бугунги кунгача ўз улуғворлигига эга.

Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида 2014 йил 15 майда сўзлаган нутқида ушбу Форм-конференциянинг мақсади ўрта асрларда Шарқ замида яшаб ижод қилган буюк алломалар ва мутафаккирларнинг илмий меросларини чуқур таҳлил қилиш ва англаш, уларнинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига муносиб баҳо беришдан иборатлигини айтиб ўтганди.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнда Тошкентда бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг



софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда эътироф этиб ўтган таклифлари асосида 2017 йил 8 ноябрь куни Самарқандда ҳадис ва калом илмий мактаблари, шу йили (2017 йил) 10 ноябрда Қашқадарёда ақида илми мактаби ҳамда Бухорода Мир Араб мадрасаси ҳузурида тасаввуф илмий мактаби ва шу йили (2017 йил) 13 ноябрда Фарғонада Ислом ҳуқуқи мактабининг очилган.

Ушбу юқоридаги эътирофларнинг бари буюк алломалари томонидан қолдирилган бой фалсафий-ирфоний мерос, жумладан, тасаввуф-сўфийлик рутбасидаги мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг бунёд этган асарларини ўрганиш учун янги даврни бошлаб бериши шубҳасиздир. Бу давр сўфий-тасаввуф тадқиқотлари билан машғул бўлувчиларга янги имкониятларни яратиш билан чекланмасдан, улар олдидаги нафақат минтақамиздаги тасаввуф тарихини, тасаввуф-сўфий йўлида бўлган мутафаккирлар ҳаёти ва фалсафий-ирфоний меросини ҳар томонлама ўрганиш, балки минтақамиз тасаввуфининг бутун тасаввуф тарихи ва тараққиётидаги алоҳида ўрнини кўрсатиб бериш вазифасини ҳам юклайди.

Сўз тасаввуф (араб: **التصوف**) - барасида борар экан, “Тасаввуфнинг пайдо бўлиш, тараққиёт жараёни тўғрисида ҳар хил фикрлар ва тахминлар мавжуд. Тасаввуф тўғрисида ёзган ўрта аср олимлари, шу жумладан, сўфийлик мактабининг йирик вакили, кўплаб асарлар муаллифи ас-Суламий, Хуросон мактабининг вакили, кўплаб классик асарлар ёзган Абу Абдурахмон Муҳаммад Ҳусайн (937 ёки 912—1002), машҳур сўфий ал- Ансори ал—Харавий Абу Исмоил Абдуллоҳ Ибн Муқаммад (1006—1089), тасаввуф тарихи ва моҳияти, мутасаввифлар дунёқараши ва амалиёти маълум тартибда баён қилинган. Форс тилидаги илк асар муаллифи ал-Хужвирий Абул Ҳасанали б. Усмон ал-Ғазнавий, ал-Жуллабий (1072 ёки 1076 йилда вафот этган)-ларни Хуросонда ва Мовароуннаҳрдан чиққан сўфийларнинг биринчи қаторида деб ҳисоблайдилар”.

Тадқиқотимизнинг чин моҳиятини қамраб олган фалсафий-ирфоний қарашларнинг бир тизимга тизимлаштириш энг муҳим масаладир. Тарихий манбаларга қараб аниқ бир хулосага ҳали ҳам келинмаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Зотан, Марказий Осиёда сўфийлик анъанасининг бир тизимга солиниши, яъни тасаввуф асосларига оид асарлар яратилиши асносида тасаввуф таълимотининг тизимлаштирилиши тарихи ҳам шу вақтгача ўрганилмаган.

Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам тасаввуфнинг тариқатлар давригача яшаб ўтган аждодларимиз – Марказий Осиёлик сўфий муаллифлар томонидан яратилган сўфийликнинг назарий манбалари – тасаввуфга бағишланган асарларнинг тасаввуф таълимотининг тизимлаштирилишида тутган муҳим ўрни ҳам деярли тадқиқ этилмаган.

Фалсафий-ирфоний қарашлар моҳиятидан ўрин олган - тасаввуф ҳақида сўз борар экан, тасаввуфнинг гнезиси ҳақида турли баҳс ва мунозаралар борлиги ҳаммамизга маълум. Мисол учун: академик, шарқшунос И.П.Петрушевскийнинг тасаввуф ҳақида, унинг (тасаввуфнинг Л.Ахатов) моҳияти бу Ислом динидаги мистика деб таҳлил қилади ва тасаввуф-сўфийлик таълимотига шу тушунча асносида тавсиф берган. И.П.Петрушевскийга кўра “Мистика ёки мистицизм (юнон - сирли) таркибида доимий ифодаланиши “Тажалли” деб аталувчи ҳолат ёрдамида, ботиний бир “Жазба”, экстаз (тажриба Л.Ахатов) кўмаги асосида Аллоҳ билан бевосита, ўз-ягона ҳолатда (личный-шахсан) алоқа-мулоқотда бўлиш (ҳатто кўшилиб кетиш деб аталадиган маълумотлар ҳам мавжуд) имкониятга эгаллигини ифодаловчи махсус робита-диний дунёқараш тушунилади, — деб ёзади у, — мистик оқимлар мистицизм билан суғорилган идеалистик фалсафий тизимлар каби, ҳар хил динлар қобиғи остида пайдо бўлган, айниқса феодализм даврида мусулмон давлатларида мистик ҳаракат сўфизм деган умумий ном билан маълум” бўлган.

Тасаввуф илми ва сўфийлар васфи ҳақида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф сулук тарзи бўлиб, унинг асосини нафс пок ва руҳ олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар ила зийнатланиб яшамоқдир”, деб айтганлар. Шунинг учун тасаввуф сулуки орқали ирфон илмининг сайқалланиши ва орифлик касб этишлиги чин маънода “Илми Одобдан илми Ориф”га интилоқлик шаклидир. Шунинг учун ирфон илмининг мақсади улуроқ: тасаввуфга эргашишлик одоб ва фузуъ ила орифлик-сўфийлик мақомида гавдаланади. Бунда “Тасаввуф илми – сўфийлар эътиқод қиладиган нарсалар ва ўз жамоаларида ҳамда ёлғиз қолганларида ушлайдиган одобларидар. Сўфий – тасаввуф йўлига эргашган одамдир”, деб қаралади.

Сўфий – тасаввуф йўлига эргашган одамнинг қалби доимо пок ва латиф сифатлар билан безанмоғлиги лозим бўлади. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг қалаб (Тасаввуфда эътироф этилган қалб ва муомала-биологик қалб Л.Ахатов) борасида: “-“Қалб” лафзи икки хил маънода ишлатилади: Биринчиси – инсоннинг чап кўкрагида жойлашган, конус шаклидаги махсус жисм. У бизнинг

тилимизда юрак дейилади. Тасаввуфда қалб дейилганда ушбу аъзо кўзда тутилмайди. Иккинчиси – раббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, унинг аввалги қалбга боғлиқлиги мавжуд. Улар орасидаги алоқа худди сифатнинг сифатланган нарса билан алоқасига ўхшайди. Ана ўша латиф нарса инсоннинг ҳақиқатидир. Идрок, билим ва маърифат ўшандандир. Хитоб, итоб, иқоб ва талаб ўшангадир” деб таъриф берганлар.

Раббоний, руҳоний ва латиф сифатлар билан эътироф этилган қалб орқали ирфоний қарашлар ҳам мукамаллик касб этиб боради. Шунинг учун баъзи (кўплаб Л.Ахатов) авлиё зотлар ҳатти-ҳаракатларини “каромат”лари тарзида сифатлайдилан. Мисол учун: Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Маҳмуд номидан “Яҳё ибн Бадр Қурайшийнинг: “Абдуллоҳ ибн Мунир намоздан олдин Фибарда бўлардилар. Намоз вақти бўлганда одамлар у кишини “Омул” масжидида кўришарди. Улар: “Абдуллоҳ ибн Мунир сувда юрадилар”, дейишарди. У кишидан бу ҳақда сўраганда: “Сув устида юришни билмайман. Бироқ, Аллоҳ таоло хоҳласа, дарёнинг икки қирғоғини яқинлаштиради”, деб жавоб берганлар”, деб Имом Шамсиддин Заҳабий баён этганлар.

Зотан, ирфон илмий “Ғайбоният-илоҳиёт илми” улароқ муомалада ифодаланади. Ирофоний қарашларнинг юксак босқичда ифодаланиши учун сўфий-шайхнинг (тасаввуф вакилининг Л.Ахатов) мавқий ва илм йўлидаги фаолияти билан белгиланади. Илмнинг шаклланишлиги фалсафий дунёқараш орқали тизимлаштирилиб, метафизик босқичлари (“Ғайбоният-илоҳиёт илми” Л.Ахатов) ирфон илми орқали баҳоланади. Бу ўз-ўзидан фалсафий-ирфоний қарашларнинг шаклланишлигининг муҳим методологик босқичини ифодайди.

Ҳикмат шуки, тадқиқотдаги фалсафий-ирфоний қарашлар тушунчасининг ўзи нима?

Фалсафий-ирфоний қарашлар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигига сабаб нима?

Фалсафий-ирфоний қарашларни тизимлаштириш учун қандай омилларга эътибор қаратиш лозим?

Фалсафий-ирфоний қарашларни таъриф-тақиқ қилувчи файласуф бўлгани маъқулми ёки эътиқод вакили бўлгани маъқулми?

Ва бошқа бир қанча ўринли саволлар борки, уни шунчаки хаспўшлаб бориш билан тадқиқотнинг субстанционал аҳамиятини очиб бўлмайди.

Ушбу фикрларнинг моҳиятига диққат билан қаралса, аниқлик (тўғрилиқ Л.Ахатов) сифатини англаш учун ташқи кўринишидан аниқ бир хулоса чиқариш (фалсафий ёки

ирфоний қарашлардан бири алоҳида олинса Л.Ахатов) кейин. Сифат ташқи кўриниш билан бирга ички-моҳияти (фалсафий ва ирфоний қарашларнинг ҳар иккаласи Л.Ахатов) билан бирга ифодаланишлиги билан сўз-илмнинг моҳияти очиб берилади. Тасаввур қилинг: икки инсон (тадқиқотчи Л.Ахатов) бир предмет ҳақида фикр билдириб, унинг моҳияти ҳақида тортишиб қолди. Айтайлик, хурмо мевасининг моҳияти ҳақида фикр борди. Биринчиси: хурмонинг ташқи кўринишига қараб (тасаввуф орқали Л.Ахатов) унинг хоссалари ҳақида фикр берди. Иккинчиси: хурмони татиб кейин уҳақида фикр берди. Табиийки, татиб кўрган тадқиқотчининг фикрлари мукамаллик аҳамият касб этади. Фалсафа илми билан ирфон илмини ҳам бирлаштириб, (Фалсафий-ирфоний кўринишда Л.Ахатов) фикр беришликда ҳам ушбу “Хурмо ҳақидаги қараш”лардан бири каби. Фалсафий дунёқарашдан хабардор бўлиб, ирфон илмидан мосуво бўлган тадқиқотчининг фикри ҳам мукамаллик аҳамиятидан йириокдир. Ҳам фалсафий дунёқараш ва ҳам Ирфон илмидан воқиф бўлиб, унинг мазмун-моҳиятидан баҳраманд бўлган тадқиқотчининг тадқиқоти аниқ ва муҳим саналади.

Илм аҳли наздида маърифат-зиё истаган қалбларга фақатгина “яхши касб” эгаларининг касблари улуғланган. Бу эса илмнинг мукамаллигига бир асос! Зотан, Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади: “Қилган яхши касби ўз фойдасига, қилган ёмон касби ўз зарарига” (286-оят) деб марҳамат қилган. Ушбу оят (Бақара сурасининг 286-ояти Л.Ахатов) Тафсирда “Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан. "Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин. Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен хожа мизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил", деб” берилган.

Бақара сурасининг ушбу 286-ояти тафсирида “Ҳамма нарсани дақиқ-дақиқларигача билувчи Аллоҳ ҳар бир жон ҳам нимага ярайдию нимага ярамайди - яхши билади. Бандаларга меҳрибонлигидан, имкони ва ҳаққи бўлса ҳам, ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди: “Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас” деб тафсир қилинган.

Манбалардан маълумки, VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр Араб халифалигига бўйсундирилгандан сўнг Марказий Осиёга Ислом дини билан биргаликда Ислом илмлари – тафсир, ҳадис, фикҳ ва калом ҳам кириб келди. IX асрдаёқ



Мовароуннаҳр тўлалигича мусулмон ўлкага айланиб бўлганлиги айтилади. Айни шу вақтда (даврд) маҳаллий илоҳиёт мактабига асос солинганлиги эътироф этилади.

Маҳаллий илоҳиёт мактабининг фаолияти бу ирфоний қарашлар билан баҳоланиб борилган. Фалсафий-ирфоний қарашларнинг шаклланиш босқичи жадал суръатлар билан ривожланиб борар экан, тарихий шарт-шароитларнинг турткиси билан фанлар ва ўқитиш тизими ҳам бир босқичдан бошқа (янги Л.Ахатов) босқичга ўта бошлаган. Бу эса, янгича дунёқараш тарзида жамиятда муносабатлар хилма-хиллигини бирлаштириш учун муҳим омиллардан бўлган. Ушбу ихтиёж улароқ, ирфон-тасаввуф илми ўзининг янги бир босқичга, фан ва маданият, илми ахлоқ ва маърифат ривожлана борди. Бу борада юқорида Б.А.Абдуҳалимовнинг келтирилган фикрлари, яни: “IX-XI асрларда мусулмон маданиятидаги умумий маданий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари ижодида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди” деб айтганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга албатта.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАР

Таҳлил тарзида: Шарқ билан Ғарб иқтисодий-маънавий, ижтимоий-маданий муносабатлари, хусусан, илм-фан йўлидаги интеграциялашувини кўйдагича кўриш мумкин. Марказий Осиё донишмандларининг илмий мерослари IX-XI асрдаги маданият ва умумий маданий юксалишнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари ижодида ўзининг юксак чўққисига кўтарилиш билан кейинчалик - XII асрдан бошлаб, Европа минтақасидаги илмий-адабий тил саналган латин тилига таржималар қилина бошланган ва сўнгра XVII-XVIII асрга келиб инглиз, немис, француз, испан тилларига таржима қилинган. Мисол учун, Абу Наср ал-Фаробийнинг Арестотел асарларига ёзган шарҳларини Берлин академиясида нашр қилганлиги ва XVIII аср охирида (1890-1891) Ф.Дитереци унинг бундай шарҳлари, фалсафий трактатларини, хусусан, сиёсий фалсафасини (Ал-мадинат ал-фадила) ҳижжалаб ўрганган. Шунингдек, Фридрих Рюкертнинг “Шарқона ривоятлар ва афсоналар” (“Morgenlandische sagen und Geshichten”) китобида Абу Наср ал-Фаробийнинг куй ижро этиб, ҳаммани хушнуд қилгани, бошқа бир (иккинчи) куй ила кўзларда ёш олишга мажбур қилган, учинчи бир куй ила уларни хушсиз-ухлатиб қўйганини тасвирлаганлиги (Абу Наср ал-Фаробий умрининг кўп қисмини Халабда, Ҳамадонийлар саройида ўтказгани ва “Уд” созининг ихтирочисига сифатида



танилгани, шу сабаб уни немис файласуф шоирлари ўзларининг шеърлятида мусика файласуфи этиб талқин этадилар) ҳаммага маълумдир. Бу ҳолат Форобийнинг Ғарб санъати ва ижтимоий маданиятига қанчалик катта таъсир этганини кўрсатди.

Айни вақтда биз тадқиқот тарзида таҳлил қилишга қарор қилган мавзумиз, яъни ўрта асрлардаги Ирфон-тасаввуф илми Шарқона позицияда шаклланган бўлсада, Ғарбда теологик (теоцентризм) ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлганлигини кўрамиз.

Тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинадиган тадқиқотлар аксарият ҳолларда бирёқлама характерга эга. Мисол учун: тадқиқотчи танлаган муаммо-мавзу илмий таҳлил қилиниш учун “Диний-дунёвий илм”лар тарзида баҳоланади. Мабодо “Дунёвий илм”лар асосида таҳлил қилинса, маълум бир соҳа (йўналиш) асносида (Адабиётчи адабиёт томонланма, тилчи тилшунослик томондан, тарихчи тарих томондан, файласуф фалсафий томондан ва ҳ.к Л.Ахатов) таҳлил қилинади. Билакс, “Диний илм”лар асосида таҳлил қилинса, маълум бир Дин (эътиқод) асносида (Исломушунос исломий томонланма, Христианчи насроний-христианлик томонланма, Авесточи зардуштийлик томондан ва ҳ.к Л.Ахатов) таҳлил қилинади. Ёки, Шарқ фалсафаси таҳлил этиладиган бўлса, маълум бир давр (замон) ва жой (макон) асносида (замон: яшаган даври, макон: ўз давридаги жамият, Шарқ, шарқона қараш ва ҳ.к Л.Ахатов) таҳлил қилинади. Ғарб фалсафаси таҳлил этиладиган бўлса ҳам, маълум бир давр (замон) ва жой (макон) асносида (замон: яшаган даври, макон: ўз давридаги жамият, Ғарб, ғарбона қараш ва ҳ.к Л.Ахатов) таҳлил қилинади.

ХУЛОСА

Ушбу келтирилган мисоллармиз кўпчиликка маълум ва машҳур албатта.

Маълумки Ирфон илмининг иртиботлашган шакли улароқ тасаввуф замирида “Ўзини билган одам Аллоҳни билади” деган тамойил ётади. Ўзини ўзи англаш Аллоҳни билишнинг энг қисқа йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги “Дил ба ёру, даст ба кор”, деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодасидир.

Азиз Наринбоев тасаввуф ҳақида ёзиб, “Тасаввуф учун куйидаги хусусиятлар, деб: биринчидан, идеалистик метафизикани психологик машғулотлар тизими билан бирлаштириш – аскеза, ўз эътиқодини, барча жисмоний ва руҳий маънавий куч-гайратини сафарбар қилиш; иккинчидан, тасаввуф-сўфийлар



ҳаракатида тариқат йўлига ундовчи пир-муршидни ҳамда у ёки бу аснода уларга боғловчи (сафига қўшилукчи) тингловчилари –муридларининг бир сўз билан иштирокини таъминлаш; учинчидан, “Илоҳиёт-ғайб илми” борасидаги таълимотга риоя этишлик, яъни сафдош-тариқатчилар ёки садоқат ила тариқатга берилган инсонлар секин-аста доимий ҳолда мистик билишга интилиш, ишқ-муҳаббат ва робита орқали Аллоҳга яқинлашиш ва пировард натижа улароқ Аллоҳ билан бир бўлишлик. Бу хусусиятлар оламни мантикий-рационал тушунишни инкор этадиган интуитив билимга, тажаллига, баъзи ҳолларда экстатикага (жазабага), иррационал-ғайриақлий ҳодисаларга қизиқиш, интилиш тасаввуфга хос хусусият-белгиларни билдиради”.

Шу билан бирга, сўфизм-тасаввуфда қуйдаги йўналишлар ҳам мавжуд: Биринчи: субъектив идеализм (Бистомий, Шиблий, Халлож каби);

Иккинчи: объектив идеализм (Имом Ғаззолий, Фаридуддин Аттор, Ибн Арабий, Аҳмад Яссавий каби);

Учинчи: пантеизм (Жомий, Саъдий, Бедил каби) йўналишлари ҳам эътироф этилади. Баъзан, пантеизм ортидан сўфийлар фаолияти шакллантирилган, нисбатан илғор материалистик ғояларни тарғиб этганликлари ҳақида ҳам фикрлар берилган.

Бундан кўриниб турибтики, фалсафий-ирфоний қарашларнинг келиб чиқиши ва шаклланиш босқичлари замон ва макон доирасида таҳлил қилинадиган тадқиқотлар сирасига саналсада, мукамаллик касб этувчи тасаввуфий-тариқат йўналишдаги маърифат саналади.

REFERENCES

1. Имом Шамсиддин Заҳабий Сияру аъламин нурбало – Машҳур даҳолар сийрати (китобидан сайланма асарлар) Алломалар тўғрисида маълумот. “Sharq” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т., 2015 йил 3 б
2. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. Халқ сўзи. 2017 йил 16 июн
3. Ҳ.Пўлатов, М.Маматов “Тасаввуф тарихидан лавҳалар” А.Навоий номидаги Ўзб.Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2011 йил 143 б
4. К.Раҳимов Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиш (VIII-XIасрлар). Т., “Akademnashr” 2020 й 10 б
5. И.П.Петрушевский Ислам в Иране в XIV—XV веках. ЛГУ, Л., 1966 г. ст. 3 12
6. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Тасаввуф ҳақида



тасаввур. “HILOL-NASHR” Т., 2016 йил 15-35

7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Тасаввуф ҳақида тасаввур. “HILOL-NASHR” Т., 2016 йил 35

8. История Востока (II том) в шести томах. Восток в средние века. Глав.редколлегия: Р.Б.Рыбаков (председатель) и друг., “Восточная литература” РАН М., 2002г. ст255

9. В.В.Бартольд. Сочинения. 2Том. (Часть 1) Общие работы по истории С.Азии... 2012г. ст122

10. Б.А.Абдуҳалимов “Байт ал-ҳикма” ва М.Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар) Мас.муҳар. М.Хайруллаев. “O’zbekiston” Т., 2010 йил 9 б

11. А.Нарынбаев. Изб.произв. “Илм”, Бишкек., 2004г ст 202

12. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Под.ред. И.М.муминова, М.М.Хайруллаева. Т.: 1977, с. 169-170.

